

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 1 -
---	---	---

_____ СОНЛИ МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

_____ Ш. «_____» _____ 20__ й.

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2023 йил 26 сентябрда берилган 135840-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган “SEMURG INSURANCE” АЖ номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ филиали директори _____ бир томондан,

ва кейинги ўринларда «Суғурта қилдирувчи» деб номланувчи _____, унинг номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____ иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

Суғурталовчи, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ, шартномада белгиланган суғурта ҳодисаси юзага келганда 1-Иловада кўрсатилган Суғурта қилдирувчининг мулкига (1-Илова) етказилган зарарни қоплашни зиммасига олади, Суғурта қилдирувчи эса мазкур Суғурта шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини (бадалини) тўлашни зиммасига олади.

II. АТАМАЛАР.

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс – “SEMURG INSURANCE” АЖ.

Суғурта қилдирувчи – Суғурта шартномасига асосан ўз мулкий манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини суғурталайдиган жисмоний ёки юридик шахс.

Наф олувчи– Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини олиш учун белгиланган жисмоний ёки юридик шахс.

Суғурта шартномаси – ёзма келишувдан иборат бўлган юридик ҳужжат, унга мувофиқ Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юзага келганда моддий зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларни зиммасига олади, Суғурта қилдирувчи эса суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотларни (бадалларини) тўлаш мажбуриятини зиммасига олади. Суғурта шартномасида унинг амал қилиш муддати, шунингдек бошқа шартлар, келишувлар кўрсатилади.

Суғурта ҳодисаси – амалда юз берган, унинг салбий ёки бошқа турдаги белгилаб қўйилган оқибатларига боғлиқ ҳолда Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган ҳодиса.

Суғурта суммаси – Суғурталовчи унинг доирасида суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи билан келишуви орқали белгиланади.

Суғурта товони – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига Суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келиши туфайли келиб чиққан зарарларни белгиланган тартибда қоплаш учун тўланадиган сумма.

Суғурта тарифи – суғурта мукофотининг суғурта суммасига нисбатан меъёрланган миқдори. Мутлақ пул кўринишида ёки суғурта суммасидан фоизларда аниқланади.

Суғурта мукофоти (бадали) – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурталаш учун тўлов.

 SEMURG insurance	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online
ISO 9001:2015		Бет - 2 -

Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома – Суғурталовчи томонидан унинг суғурта ҳодисаси юзага келганлигини эътироф этиши пайтида тузиладиган ва суғурта товонини тўлаш учун асос бўладиган ҳужжат.

Суғурта полиси - Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчига унинг суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашидан кейин бериладиган ҳужжат.

Шартсиз франшиза – Суғурта қилдирувчи зарарларининг маълум қисми бўлиб, уни қоплаб бериш бўйича Суғурталовчи жавобгар бўлмайди. Шартсиз франшизада Суғурталовчининг жавобгарлиги франшизанинг суммаси айирилган зарарнинг миқдори билан белгиланади.

Суғурталаш муддати – суғурта объекти суғурталанган вақт оралиғи.

Географик зона – Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

III. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ.

3.1. Мазкур шартномага биноан Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига қуйидагилар натижасида юз берган мол-мулкнинг жисмоний йўқотилишидан ёки шикастланиши оқибатида етказилган бевосита зарарларни қоплаб беради:

- дўл; эшикни бузиб очиб ўғирлаш; машиналар ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкциялари, шунингдек учар жисмларнинг тушиб кетиши; учинчи шахсларнинг қасддан ноқонуний ҳаракатлари;

- кучли шамол (25-32 м/с тезликдаги шамол), бўрон (32-40 м/с тезликдаги шамол), тўфон (40 м/с дан юқори тезликдаги шамол), кучли ёмғир, ер ости сувларининг таъсир этиши, сел, яшин уриши, зилзила.

IV. ИСТИСНОЛАР.

4.1. Агар ҳодиса қуйидагилар натижасида юз берса, у суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- ушбу суғурта шартномасининг 3.1 бандида кўрсатилмаган ҳодисалар рўй берган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи ёки уларнинг вакилларининг суғурталанган мол-мулкка нисбатан қасддан қилган ҳаракатлари;

- мол-мулкнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, бижғиши, чириши ёки бошқа табиий бузилиши;

- учинчи шахсларнинг қасддан ноқонуний ҳаракатлари натижасида мол-мулкни ўғирлаш, унинг йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ваколатли органларга ариза берилмаган бўлса, шунингдек, агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаса;

- куя, паразитлар, термитлар ёки бошқа ҳашаротлар, яширин нуқсонлар, табиий эскириш, чириш, моғорлаш, атмосфера намлиги туфайли зарар етказилиши, парчаланиши ёки шикастланиши;

- Суғурталовчи мажбуриятлари кучга кирган пайтига келиб мавжуд бўлган ва улар ҳақида Суғурта қилдирувчига ёки унинг вакилларига маълум бўлган мол-мулкнинг нуқсонлари;

- Суғурта қилдирувчи ёки уларнинг вакиллари томонидан суғурталанган мол-мулкдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида етказилган зарар;

- доимий таъсир этувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, коррозия) таъсир этиши ва об-ҳаво омиллари ёки суғурталанган буюмлардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин шикастланиши;

- мол-мулкни ташиш, шунингдек шартномада белгиланган жойида бўлмаган мол-мулкни ташиш;

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 3 -
--	---	---

- лойиҳа—смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган ишларнинг қисман ёки тўлиқ тўхтатилиши оқибатида юзага келадиган зарарлар;

- суғурталанган объект билан ишлаш учун махсус билимга эга бўлмаган ва ушбу мол-мулкка расмий бириктирилмаган шахслар томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатишда кўрилган зарарлар;

- ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар йўқолиши ёки шикастланиши туфайли кўрилган зарарлар;

- қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омиллар сабаб бўлмаган ички бузилишлари натижасида кўрилган зарарлар;

- суғурта ҳодисаси пайтида ёки ундан кейин мол-мулкни ўғирлашдан кўрилган зарарлар;

- лойиҳа—смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган тажриба ёки тадқиқотчилик ишлари натижасида етказилган зарарлар;

- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида кўрилган зарарлар;

- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлардан кўрилган зарарлар;

- суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.

4.2. Ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

4.3. Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.

4.4. Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

4.5. Суғурта шартномаларининг 4.2., 4.3., 4.4.-бандларига зид келувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

4.6. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига қуйидаги ҳолларда суғурта товонини тўлашга ҳақли эмас:

- суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юзага келишидан аввал, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тугаган бўлса;

- суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларида кўзда тутилган асослар бўйича ҳақиқий бўлмаса;

- Суғурталовчи суғурта шартномасини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларида кўзда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида ёки Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи суғурта ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилишга ёки етказилган зарарнинг миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилганлиги оқибатида суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида судга даъво киритган бўлса.

4.7. Суғурталовчи, агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчи, Наф олувчининг қасди оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини тўлашдан озод этилади, улар қасддан ҳаракатларни зарурий муҳофаа ёки охириги зарурат ҳолатида содир этиши бундан мустасно.

4.8. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурталовчига шикастланган буюмларни ёки уларнинг қолдиқларини тақдим этишдан бош тортганда суғурта товонини тўлаш амалга оширилмайди, суғурталанган мулкнинг қолдиқсиз nobud бўлиши бундан мустасно.

V. СУҒУРТА ҚИЙМАТИ, СУҒУРТА СУММАСИ, ФРАНШИЗА МИҚДОРИ СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА УНИ ТўЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ.

5.1. Мол-мулкнинг суғурта қиймати 1-иловада кўрсатилган.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мол-мулкнинг суғурта суммаси 1-иловада кўрсатилган.

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 4 -
--	---	---

5.3. Мазкур шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти (бадал) 1-иловада кўрсатилган.

5.4. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан бир йўла нақд пул, пул ўтказиш йўли билан мазкур шартнома имзоланганидан кейин уч банк куни ичида тўланади.

5.5. Суғурта полиси суғурта мукофоти Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин 5 (беш) банк куни ичида берилади, нақд пул билан тўланганда ўша вақтнинг ўзида берилади.

5.6. Суғурта полиси суғурта мукофотининг туланган қисми/траншига мутаносиб бўлган муддатга берилади.

5.7. Мазкур шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

5.8. Суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги лимитининг миқдори суғурта суммасидан 2,0 (икки) % ни ташкил этади.

5.9. Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мазкур суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

VI. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Мазкур суғурта шартномаси 1-иловада кўрсатилган муддатга тузилган.

6.2. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофоти (транши/қисми) Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан бошланади ва суғурта полисида кўрсатилган муддатда амал қилади.

6.3. Суғурталаш муддати суғурта полисида қайд этилади.

6.4. Кредит шартномаси узайтирилганда, суғурталаш даври қўшимча суғурта мукофотини тўлаш шarti билан узайтирилади.

6.5. Агар Суғурта қилдирувчи Наф олувчининг олдидаги қарзни коплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлиқ ҳажмда бажарган бўлса, суғурта шартномаси суғурталаш даври тугагунча амал қилади ва Суғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг шартлари бўйича Наф олувчи бўлиб қолади.

VII. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

7.1. Ҳар бир томон Суғурта шартномасини исталган пайтда, бошқа томонни охириги манзили бўйича юборилган хат билан, тахминий бекор қилиш санасидан кечи билан ўттиз кун аввал хабардор қилган ҳолда, бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. Суғурта шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- Унинг амал қилиш муддати тугаганда;
 - Суғурталовчи ўзининг шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;
 - Шартнома томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилинганда;
 - Суғурта қилдирувчининг талабига (ташаббусига) биноан Суғурталовчи суғурталаш шартларини бузганда;
 - Суғурталовчининг ёки юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тугатилганда;
 - суд суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;
 - Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.
- 7.3.** Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта шартномаси шартларига мувофиқ

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 5 -
--	---	---

суғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисобланади ва Суғурталовчи ушбу суғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

7.4. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади ва тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7.5. Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига била туриб ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумот берганлиги аниқланса, Суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилишга ҳақлидир.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

8.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1.1. Суғурталаш муддати давомида Суғурталовчидан суғурталаш масалалари бўйича маслаҳатларни олиш.

8.1.2. Суғурталовчидан суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурта товонини белгиланган тартибда олиш.

8.1.3. Суғурта ҳодисаси юзага келганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш.

8.1.4. Барча мол-мулкни ёки айрим объектларни қўшимча суғурталашни амалга ошириш.

8.1.5. Суғурталовчи билан келишувга биноан суғурта шартномасига ўзгартиришларни ва/ёки қўшимчаларни киритиш.

8.1.6. Суғурталовчини албатта хабардор қилган ҳолда шартномани муддатидан илгари бекор қилиш.

8.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

8.2.1. Суғурталовчи талаб қилган ҳужжатларни.

8.2.2. Суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлаш.

8.2.3. Суғурталовчига суғурталаш объекти тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни бериш.

8.2.4. Суғурталаш объектларини кўздан кечириш учун имконият бериш.

8.2.5. Суғурталовчига, қуйидаги маълумотлардан бири маълум бўлиши билан, таваккалчиликдаги барча жиддий ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш:

- суғурталанган мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтиши тўғрисида ёки мол-мулкни гаровга ёки ижарага топшириш тўғрисида (харидор, гаров сақловчи ёки ижарачининг номи ва манзили кўрсатилган ҳолда);

- мол-мулкни кўчириш тўғрисида, биноларни қайта қуриш ёки қайта жиҳозлаш, ёки улардан бошқа мақсадда фойдаланиш тўғрисида;

- ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши ёки унинг хусусиятининг ўзгариши тўғрисида;
- мол-мулкнинг шикастланиши ёки йўқ қилиниши тўғрисида, зарар қопланиши керак ёки керак эмаслигидан қатъий назар;

- суғурталанган бинода ёки унга бевосита ёнма-ён жойлашган оловдан хавфли ёки портловчи моддалар ёки буюмлар ва ҳоказолар сақланиши тўғрисида.

8.2.6. Зарур бўлганда, зудлик билан юз берган воқеа тўғрисида ваколатли органларга ариза бериш.

8.2.7. Суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ҳодиса бўйича жиноий ишни кўзгатиш, тўхтатилиши ёки ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорларнинг нусхаларини тақдим этиш.

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 6 -
--	---	---

8.2.8. Суғурталовчига шикастланган мол-мулкни қўздан кечириш учун тақдим этиш, шунингдек, барча шикастланган мол-мулк қисмлари фотосуратларини ёки видео тасвирини тақдим этиш.

8.2.9. Суғурталовчига мазкур шартноманинг амал қилиши даври мобайнида суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан мол-мулк тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш имконини бериш.

8.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.3.1. Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини ва қийматини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан мол-мулк тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш.

8.3.2. Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси тўғрисида ёзма хабарномани кутмай, суғурта ҳодисаси туфайли етказилган зарарларни кўриб чиқишга ва баҳолашга киришиш.

8.3.3. Суғурта ҳодисаси юзага келганда таваккалчиликнинг даражасини тавсифлайдиган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш.

8.3.4. Суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ маълумот ва керакли ҳужжатлар олинишига, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилиши ҳолатида ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига суғурта товонини тўлашни кечиктириш.

8.3.5. Суғурталовчи, агар у суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор этилган бўлса, шартноманинг шартларини ўзгартиришга ҳақлидир.

8.4. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

8.4.1. Суғурта полисини мазкур шартномада белгиланган муддатда бериш.

8.4.2. Барча керакли ҳужжатлар олинишидан ва суғурта ҳодиса юзага келганлиги ҳолати эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда суғурта товонини тўлаш.

8.4.3. Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи билан муносабатларда махфийликни таъминлаш.

8.4.4. Суғурта товонини тўлашдан аввал Наф олувчини суғурталанган мол-мулкка етказилган зарар тўғрисида ва тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг белгиланган миқдори тўғрисида ёзма огоҳлантириш.

IX. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.

9.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол (72 соат ичида) Суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги Суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради (ЎЗР ФК нинг 951-моддаси).

9.2. Суғурталанган мол-мулк шикастланганда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига қуйидагилар кўрсатилган аризани беради:

- ҳодисанинг санаси, унинг ҳолатлари ва сабабларининг тавсифи;
- шикастланган мол-мулкнинг рўйхати;
- имкони бўлганда, тахминий зарарнинг миқдори ва Суғурта қилдирувчи даъво қилган суғурта товонининг миқдори;
- учинчи шахслардан олинган зарар компенсациясининг миқдори (мавжуд бўлса);
- Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юзага келганда амалга оширган ҳаракатлари.

 SEMURG insurance	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online
ISO 9001:2015		Бет - 7 -

9.3. Суғурта қилдирувчи зарарни қоплаш тўғрисидаги аризани унга суғурта ҳодисаси ҳолатини ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда беради.

Суғурта ҳодисасининг ҳолати ваколатли органлар, эксперт ташкилотлари, бошқа давлат назорат органлари томонидан (зарарнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда) расмий тасдиқланган бўлиши лозим.

Зарарнинг миқдори ҳолати суғурталанган (кўчар ёки кўчмас) мол-мулкка етказилган зарарни баҳолаш тўғрисида ҳисобот билан тасдиқланади, у бундай баҳолашни амалга ошириш ҳукукига (лицензия, сертификат, рухсатнома, буйруқ ва ҳоказо) эга бўлган шахслар ёки ташкилотлар томонидан берилган бўлиши лозим.

9.4. Мулкка етказилган зарар учун суғурта қопламасини аниқлашда, қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш харажатлари (айрим ҳолларда), қурилиш ишлари бўйича буюртмачининг бошқа харажатлари, пудратчиларнинг бошқа харажатлари, ишчи ходимларнинг ойлик иш ҳақларига қўшилган ижтимоий суғуртага бўлган харажатлар, қўшимча қиймат солиғини тўлаш бўйича (ҚҚС) тўловлар суғурта қопламаси ҳажмига киритилади, лекин ушбу харажатлар суғурталанган мулкни таъмирлаш ишлари пудратчи (юримдик шахс) томонидан амалга оширилганлиги ва кўрсатилган харажатларни қоплаш бўйича тегишли ҳужжатлар (пудратчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун тузилган шартнома, пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномаси) Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилгандан сўнг қоплаб берилади.

9.5. Томонлар ўртасида зарарнинг сабаблари ва миқдори юзасидан низолар келиб чиққан ҳолда, мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

9.6. Суғурта қилдирувчининг аризаси берилганидан кейин 3 кунлик муддатда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг иштирокида шикастланган мол-мулкни кўздан кечириш далолатномаси тузилади.

9.7. Суғурта шартномаси бўйича суғурта суммасидан камроқ суғурта товони тўланган ҳолда шартнома ўз муддатининг охиригача, шартномада белгиланган суғурта суммаси ва тўланган суғурта товони ўртасидаги фарқ миқдорида ўз кучини сақлаб қолади.

9.8. Суғурта қилдирувчи, агар зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки уни қоплаш суднинг қарорига кўра зарар етказилишига айбдор бўлган шахс томонидан амалга оширилса, суғурта товонини олиш ҳукукидан маҳрум бўлади.

9.9. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи айбдор ёки учинчи шахслардан зарарни қоплаш бўйича суммани олса, Суғурталовчи фақат суғурталаш шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фарқни тўлайди.

9.10. Агар мулкнинг nobуд бўлиши ёки шикастланиши жиноят оқибатида юз берган бўлса ва шу туфайли айбдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта товони Суғурта қилдирувчига тергов қилиш даврида ёки у тугаганда тўланиши мумкин, бунда айбдор шахсга нисбатан қўйилган регресс даъвоси, суд томонидан жиноий ишнинг кўрилиши давомида кўриб чиқилиши имконияти бўлиши лозим.

9.11. Шикастланган мол-мулк учун суғурта товони уни алмаштириш қиймати доирасида, тўлиқ nobуд бўлганда эса суғурта суммаси доирасида тўланади. Бунда суғурта товонининг умумий суммаси умумий суғурта суммасидан ёки суғурта шартномасида кўрсатилган ҳар бир банд (ҳар бир мулк) бўйича жавобгарлик лимитидан ошмаслиги керак.

9.12. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан у барча керакли ҳужжатлар олганидан ва суғурта ҳодисаси эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда тўланади.

9.13. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар

 ISO 9001:2015	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online Бет - 8 -
--	---	---

қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

9.14. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

9.15. Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) суғурталаш натижасида қоплаб бериладиган зарарлар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи унинг тўлаган суммаси доирасида ўтади.

9.16. Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) ва зарарлар учун жавобгар шахснинг ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

9.17. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурталовчига Суғурталовчи томонидан унга ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ва исботларни бериши ва унга барча керакли маълумотларни тақдим этиши шарт.

9.18. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ўзининг Суғурталовчи томонидан қопланган зарарлар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки Суғурта қилдирувчининг ёки Наф олувчининг айби билан ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод этилади ва ортиқча тўланган товон суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

10.2. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган ҳолда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг (тўловнинг) суммасидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан муддати ўтган сумманинг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

10.3. Суғурта қилдирувчига тўланиши лозим бўлган суғурта тўловларини кечиктирилган ҳолатида, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта товонидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан мазкур шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони суммасининг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

10.4. Мазкур шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз қисман ёки тўлиқ воз кечган томон бошқа томонга ўзи уни тўлашдан воз кечган ёки бош тортган суммадан 15 % миқдорида жарима тўлайди.

10.5. Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги энгиб бўлмайдиган кучдаги (форс-мажор) ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, улар жавобгарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар таъсирига учраган томон бошқа томонни ушбу ҳолатларнинг юзага келганлиги ва эҳтимолий давом этиш муддати тўғрисида зудлик билан огоҳлантириши лозим.

ХІ. БОШҚА ШАРТЛАР.

11.1. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтказилишига томонларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолда, томонларнинг мажбуриятларини бажариши муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган вақтга мутаносиб ҳолда кечиктирилади.

11.3. Мазкур шартномада келтирилмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон

 SEMURG insurance	МОЛ-МУЛКНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ	SEMURG insurance online
ISO 9001:2015		Бет - 9 -

Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

ХII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

12.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ:

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

**Суғурталовчи
номидан:**

**Суғурта қилдирувчи
номидан:**

(имзо)
м.ў.

(имзо)

